

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901474>

## МУТАФАККИРЛАРИМИЗ АСАРЛАРИДА МУОМАЛА МАСАЛАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**А.Б.Қодирова**

ТерДУ Психология кафедраси доценти,  
психология фанлари бўйича(PhD) фалсафа доктори

### **АННОТАЦИЯ**

*Буюк аждодларимиз муомала муаммоси билан бевосита шугулланмаган бўлсада, шахслараро муносабатларда унинг роли масаласига алоҳида эътибор қилганлар. Қомусий олим Абу Носир ал Форобий. Атоқли олим Абу Али ибн Сино. Абу Али ибн Сино ибораси билан айтганда, ўқувчига қаратилган ҳар бир сўзни ўқитувчи имо-ишоралар билан тўлдириб бормоғи лозим.*

**Таянч сўзлар:** *муомала, шахслараро муносабатлар, ўқувчига қаратилган ҳар бир сўз, ўқитувчи имо-ишоралар, ахборот узатиш, ўзгаларга таъсир кўрсатиш, инсонни инсон томонидан идрок қилиш.*

### **АННОТАЦИЯ**

*Хотя наши великие предки непосредственно не занимались проблемой поведения, они уделяли особое внимание вопросу его роли в межличностных отношениях. Ученый-энциклопедист Абу Насир аль-Фараби. Знаменитый учёный Абу Али ибн Сина. По изречению Абу Али ибн Сины, каждое слово, обращенное к ученику, учитель должен наполнить жестами.*

**Ключевые слова:** *поведение, межличностные отношения, каждое слово, обращенное к ученику, обучающие жесты, передача информации, влияние на окружающих, восприятие человека человеком.*

### ANNOTATION

*Although our great ancestors did not directly deal with the problem of behavior, they paid special attention to the issue of its role in interpersonal relationships. Encyclopedist Abu Nasir al-Farabi. The famous scientist Abu Ali ibn Sina. According to the saying of Abu Ali ibn Sina, the teacher must fill every word addressed to a student with gestures.*

**Key words:** *behavior, interpersonal relationships, every word addressed to the student, teaching gestures, transmission of information, influence on others, perception of a person by a person.*

Буюк аждодларимиз муомала муаммоси билан бевосита шуғулланмаган бўлсада, шахслараро муносабатларда унинг роли масаласига алоҳида эътибор қилганлар. Айниқса улар ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги муносабатларда муомаланинг аҳамияти, ўзаро бир-бирини тушуниш, инсонни инсон томонидан идрок қилиш, бунда нутқнинг роли юзасидан бирмунча мулоҳазалар қолдирганлар. Бу ўринда ўқитувчининг шахсий фазилатлари, касбий маҳорати бўйича ибратли фикрлар, истиқболи порлоқ ғояларни илгари сурганлар.

Ўқитувчи касбининг нозиклиги, масъулиятлиги, мураккабли ва шарафли эканлиги ҳақидаги оқилона мулоҳазалар, муаллимнинг шахсий фазилатлари оид қарашлар Ўрта Осиё мутафакирларнинг асарларида ўз аксини топган. Қуйида баъзи бир алломаларимизнинг мазкур масалага доир фикр-мулоҳазаларига шарҳ беришга ҳаракат қиламиз.

Шарқнинг буюк алломаларидан бири, қомусий олим **Абу Носир ал Форобий** (837-950) ўқитувчининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, ахборот узатиш, ўзгаларга таъсир кўрсатиш, инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ибратли фикрлар билдиради. Муаллифнинг таъкидлашича, ўқитувчининг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшаб кетади. Шу сабабли ўқитувчи кўрган ва эшитганларнинг барчасини яхшилаб эсда сақлаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга

айтмоқчи бўлган фикрини тўла ва аниқ ифодадай олиши зарур. Аллома бу ўринда муомаланинг таркибий қисмлари, воситалари, шакллари ижтимоий турмушда нечоғлик юксак роль ўйнашини таъкидламоқчи бўлгандай тасаввур уйғотади. Унинг мулоҳазасича, ўқитувчи фақат фан билангина шуғулланиб қолмай, балки ўз билимларини ўқувчиларга етказиши, бундай машаққатли меҳнатдан чарчаш нималигини билмаслиги лозим. Ўқитувчи май исътемоли қилишдан ўзини тийиши, чин сўзли бўлиб ёлғонни ва ёлғон айтгани ёмон кўриши, фахмли бўлиши ва ўз ор-номусини қадрлаши, ўқувчиларига нисбатан адолатли бўлиши, кўзлаган мақсадга эришишда қатъийлик кўрсата билиши лозим.

Абу Носир ал Форобийнинг нуқтаи назарича, бундай инсон одамийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва бахт чўққисига эришиди. Бундай киши ҳар қандай ҳатти-ҳаракатидан хабардор бўлган ва интилишлар туфайли бахтга эриша оладиган одамдир. Мутафаккир Абу Носир ал Форобий ўқитувчининг шахсига хос бўлган қатор фазилатларга холисона, одилона шарҳ беришга эришган буюк зотдир. Шунинг учун мазкур шарҳлар, илмий иловалар бугунги кунда ҳам ўз долзаблигини йўқотган эмас, албатта.

Ушбу муаммо юзасидан мулоҳаза юритган атоқли олим **Абу Али ибн Сино** (980-1037)нинг уқтириб ўтишга қараганда, ўқитувчи матонатли, соф виждонли, ростгўй ва болани тарбиялаш методларини ҳамда ахлоқ қоидаларини яхши билладиган одам бўлмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчининг бутун ички ва ташқи оламини ўрганиб, унинг ақл қатламларига кира билмоғи лозим.

Абу Али ибн Сино ибораси билан айтганда, ўқувчига қаратилган ҳар бир сўзни ўқитувчи имо-ишоралар билан тўлдириб бормоғи лозим. Унинг ўқитиш методлари ва усулларини тушунтириш борасидаги фикрлари ўша давр таълими учун ғоят буюк аҳамият касб этган эди.

Маълумки, ўқитувчи ўз ўқувчиларининг майли, интилиши, фаоллиги, қобилияти, исъедоди ва лаёқатини аниқламасдан туриб, уни тўғри касб танлаш йўлиги йўналтира олмайди.

Абу Али ибн Синонинг мулоҳазасига кўра, ўқитувчи – бу билимдон инсондир. У барча дунёвий билимдан, маънавият оламидан хабардор бўлмоғи керак, булар жумласига ҳисоб-китоб илми ва яхшилик қилиш ҳам киради. Санаб ўтилган категорияларни ойдинлаштириш юзасидан мутаффакир тубандагича мулоҳаза юритади. У ўқиш жараёнида нимадир олинади; олинган нарса ҳамма вақт ҳам кўзга кўринавермайди, хусусан яхши ном, хурсандчилик, соддалик кабилар. Муаллифнинг тахминича, қаерда алмашиниш мавжуд экан, шубҳа йўқки, ўша жойда ҳисоб-китоб ҳам мавжуддир. Оддий халқ тилида ҳисоб-китоб деганда, ўртоқлар ўртасидаги ўзаро фикр ва нарса алмашиниши тушунилади. Мақташ, рағбатлантириш алмашиниш сирасига кирмайди. Ақл-фаросатли одам ўзига ёққан ҳар қандай нарсани фойдали деб билади. Яхшилик мукофот ўрнини босолмаганидек, хулқ-атвор қаторига ҳам кира олмайди. Демак, ўқитувчининг барча ҳаракатлари фақат яхшиликдир. Абу Али ибн Сино ўқитувчининг одамийлик, меҳрибонлик каби хислатларига алоҳида урғу берган алломадир.

Ўқитувчининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, кишилар билан муносабати, хусусиятлари, умуминсоний фазилатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар қомусий олим **Умар Хайём** (1048-1123) асарларида ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Умар Хайёмнинг таъкидлашича, ўқувчилар билимларни фақат ўқитувчининг берган маълумотлари ва китоб ўқиш орқалигина эмас, балки ҳаётий ҳодисаларни бевосита ўрганиш жараёнида, кўникма ва малакаларни эса амалиётда, айнан бир хил амалларни кўп маротаба такрорлаш, турли услубларни қўллаш натижасида эгаллаб оладилар. Таълимнинг амалиёт билан узвий алоқаси билимларни мустақил ўзлаштириш имкони беради, дейди. У ўқувчиларга руҳий таъсир ўтказишнинг кўрсатма бериш орқали ижодий изланиш фаолиятини жонлантириш тарафдори эди. Мулоқот (муомала) сеҳри, фаолият маҳсулдорлиги, ўқитувчининг одоби ва назокати, унинг ўқувчилар билан ҳамкорлиги таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш шарти, деган илмий фараз Умар Хайём қарашларининг сарчашмасидир.

Ўзбек маданиятининг яловбардори, ўзбек адабий тилининг билимдони, олим, ҳассос шоир **Алишер Навоий** (1441-1501) ўзининг бир қатор асарларида ўқитувчининг қобилияти, унинг обрўси, одоби ва муомала маданияти тўғрисида мулоҳазалар юритади. У ҳар қандай фаолиятни ижодий ёндашувсиз тасаввур қила олмайди. Шунинг учун унинг таълимий ва тарбиявий қарашларида одоб, ахлоқ, муомала, мулоқот, тийраклик, ирода кучи, характер хислатлари, поклик, самимийлик асосий марказий ўрин эгаллайди. Худди шу боисдан ижодкорлар, ўқитувчилар ижтимоий ҳаётнинг ҳар қайси жабҳасида истеъдодли бўлиш кераклигини таъкидлайди. Ўқитувчининг муомаласи, ширин сўзлиги, эътиборлилиги ҳар жиҳатдан ибрат ва намуна бўлиши таълим –тарбия гарови эканлигига ишора қилади, Ҳазрати А.Навоий. Мутафаккирнинг асарларида нутқ маданияти, муомала маромлари тўғрисидаги мулоҳазалар “Авесто”, “Қобуснома”, “Хотамнома”, “Қутадғу билиг” каби буюк асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Чунки бу асарларнинг барчаси одобнома, муомаланомана бўлганлиги туфайли, тарбиячи мураббийларнинг ўзига хос хислатларни шакллантириш босқичлари, даражалари, меъёрлари атрофлича баён қилинган.

Шундай қилиб Ўрта Осиё мутафаккирлари ва ўзбек маърифатпарварлари ўқитувчи кучли хотира, ирода ва тафаккурга, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши, кўзлаган мақсадини амалга ошириш йўлида жонбозлик, қатъиятлилиқ кўрсата олиши, ўқувчиларнинг руҳий дунёсига тўғри йўл топа олиши, таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиши, виждонли, самимий, одобли, хушмуомала, назокатли, талабчан, ишчан, масъул шахс сифатида фаолият кўрсатиш зарур эканлигини таъкидлаб ўтадилар.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қодиров Қ.Б. Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг муҳаддислик фаолияти ва тарбиявий қарашлари: Пед. фан. номз. дисс... Тошкент, 2008. – 141 б.
2. Нишонова С. Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр таракқиётида баркамол инсон тарбияси: Пед. фан. докт. дисс... Тошкент, 1998. – 202 б.
3. Kadirova, A. B. (2024). EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF TERMIZI'S PSYCHOLOGICAL THOUGHTS. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 24, 117-120.
4. Kodirova, A. B. (2022). PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE USE OF THE MYSTICAL IDEAS OF AL-HAKIM AT-TERMIZI IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(12), 1281-1286.
5. Kodirova, A. B. (2022). ANALYSIS OF PSYCHOLOGICAL VIEWS IN THE WORKS OF AL-HAKIM AT-TERMIZI ACCORDING TO THE SCIENTIFIC CONTENT AND THE THEORY OF SUFISM. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(12), 1287-1292.
6. Қодирова, А. Б. (2022). АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН АЛИ ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ОҚИЛЛАР ВА АЛДАНГАНЛАР” АСАРИДА НАФС ТАРБИЯСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ. *Science and innovation*, 1(В3), 119-124..